

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 1 -сон
Қ А Р О Р И

2022 йил “3” март

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – “Uzbekistan Airways” АЖ ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. У. Р. Штиллери жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида тайинлаш тўғрисида.

2. Жамият тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

3. Жамият Уставига ва ички корпоратив-ҳуқуқий ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ҳукумат топшириқларига мувофиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича:

3.1. Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

3.2. Жамият “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

3.3. Жамият “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

4. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо тайинлаш жамият ягона акциядори ваколатига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 сентябрдаги жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида малакали хорижий мутахассис У. Р. Штиллер номзодини ягона акциядор қун тартибига киритишни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш тўғрисидаги 05/1-2357-сон хати тақдим этилган. Ушбу номзод Жамият кузатув кенгаши ва жамият бошқарув раиси томонидан кўриб чиқилиб, соҳага оидлиги ва жамиятга мослик жиҳатлари юзасидан суҳбат ўтказилди. Мазкур суҳбат натижасида, кузатув кенгаши томонидан бир овозлама мақулланди.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви тамойиллига зид эмаслиги юзасидан Молия вазирлиги томонидан тегишли ижобий хулоса (2022 йил 8 январдаги 07/46-02-04-32/68-сон хати) олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 февралдаги 05/1-2357-сон хати орқали Жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида малакали хорижий мутахассис У. Р. Штиллерни киритилиши юзасидан ижобий хулоса билдирилган.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича жамият ягона акциядори қарор қилади:

1.1. У. Р. Штиллер жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида тайинлансин.

1.2. Жамият кузатув кенгаши раиси И. И. Норқулов ўрнатилган тартибда У. Р. Штиллер билан меҳнат шартномасини имзоласин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонунининг 59-моддасига асосан жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киради.

Жамият жорий тафтиш комиссияси аъзолари З. Астанов ва Ф. Зайниддиновларнинг ўз хоҳишига кўра тафтиш комиссиясидан чиқиш тўғрисидаги аризалари тақдим этилган.

Шу билан бирга, юқоридаги жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ўринларига Молия вазирлиги бош мутахассиси Н. Акчабаев ва Транспорт вазирлиги бош мутахассиси Д. Артикова номзодларини Жамият тафтиш комиссияси таркибига киритилиши кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият ягона акциядори қарор қилади:

2.1. Жамият тафтиш комиссияси таркибидаги З. Астанов ва Ф. Зайниддиновларнинг аризаларига мувофиқ жамият тафтиш комиссияси аъзоси сифатидаги ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

2.2. Жамият тафтиш комиссияси таркибига Н. Акчабаев ва Д. Артикова номзодлари аъзо сифатида ўрнатилган тартибда киритилсин.

2.3. Жамият тафтиш комиссияси ўзгарган таркиби: Назаров Азизхон Бахром ўғли, Қурбоналиев Санжар Сабриддинович, Давлетов Батирбек Ибрагимович, Акчабаев Нодирбек Тохиржон ўғли ва Артикова Дилором Салахитдиновна.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан корпоратив бошқарув билан боғлиқ ички ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жамият Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 октябрдаги 726-сон Қонуни, Бош Вазирининг 2021 йил 17 август куни ўтказилган 150-сон йиғилиш баёнининг 14 бандига асосан жамият уставига, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомга ҳамда “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилган.

Ушбу топшириқларни бажариш мақсадида жамият тегишли ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди ва жамият кузатув кенгаши томонидан мақулланди. Мазкур аҳборотни инобатга олиб, ушбу Жамият Устави ва ички корпоратив ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши жамият юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланиши лозим.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият ягона акциядори қарор қилади:

3.1. Жамият Устави иловага (1-сон иловаси) асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.

3.2. Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомига иловага (2-сон иловаси) асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги низом тасдиқлансин.

3.3. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига иловага (3-сон иловаси) асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги низом тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Жамият кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва мақулланди, ўз навбатида жамият юқори турувчи бошқарув органига ўрнатилган тартибда тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш мақсадида кун тартибига киритилди.

Янги ижро аппарати тузилмасида жамиятнинг ходимлар сонини **2 нафар штат бирлигида кўпайтириш** таклиф этилмоқда.

Қуйидаги таркибий бўлинмаларда ходимлар сони қисқартирилмоқда:

– парвозга лаёқатлигини таъминлаш департаментидан **20 нафар** (62 тадан 42 тага);

– парвозлар хизмати департаментидан **1 нафар** (307 тадан 306 тага);

- молия департаментидан **5 нафар** (55 тадан 50 тага);
- харидлар департаментидан **2 нафар** (73 тадан 71 тага);
- электрон тижоратни ривожлантириш бошқармасидан **15 нафар** (15 тадан 0 тага, ўз навбатида “Uzbekistan airways sales” филиали таркибига ўтказилмоқда).

Кўшимча равишда Бошқарув раиси Аппарати тузилиши таклиф қилинган.

Жамият янги ташкилий тузилмасига мувофиқ, бошқарув раиси аппарати куйидаги таркибий бўлинмаларни ўз ичига олади:

- стратегик ва лойиҳаларни бошқариш департаменти (16 нафар штат бирлигида);

- ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бўлими (4 нафар штат бирлигида);

- умумий бўлим (13 нафар штат бирлигида);

- протокол виза бўлими (4 нафар штат бирлигида);

- бошқарув раиси аппарати (3 нафар штат бирлигида, юқоридаги таркибий бўлинмалардан фарқли равишда ушбу таркибий бўлинма янгидан тузилмоқда).

Бошқарув раисининг бизнесни ривожлантириш бўйича ўринбосари ҳамда бошқарув раиси ёрдамчиси лавозимлари олиб ташланмоқда.

Жамиятда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида корпоратив маслаҳатчи лавозими (1 нафар штат бирлигида) ташкил этилмоқда.

Шу билан биргаликда, юридик бошқармаси **1 нафар** штат бирлигида (7 тадан 8 тага), кадрлар бошқармаси **7 нафар** штат бирлигида (20 тадан 27 тага), протокол виза бўлими **1 нафар** штат бирлигида (3 тадан 4 тага), “Uzbekistan airways sales” филиали таркиби **15 нафар** штат бирлигида (104 тадан 119 тага), ердаги хизмат департаменти **16 нафар** штат бирлигида (62 тадан 78 тага) оширилмоқда.

Жамият молия директориغا бўйсунувчи **5 нафар** штат бирлигида иқтисодий бошқарма ташкил этилмоқда.

Жамиятнинг ижро аппаратининг янги тузилмасида бошқарув ходимларининг жами **233 бирлик** ва барча ходимларнинг сони **2 199 бирлик** ташкил қилиши таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, жамият тизим ташкилотларининг янги тузилмасида ходимлар сони **26 нафар** штат бирлигига оширилмоқда, жумладан:

- “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ – **13 нафар** (80 тадан 93 тага);

- “Кетринг” МЧЖ – **13 нафар** (480 тадан 493 тага).

Тизим ташкилотларида ходимлар сони жами **2 517 нафар**.

Жамият янги ташкилий тузилмасида жами ходимлар сони **4 716** нафардан иборат.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият ягона акциядори қарор қилади:

4.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси иловага (4-сон иловаси) асосан тасдиқлансин.


4.2. Жамият бошқарув раиси И. Р. Махкамовга мазкур қарор ижросини ўрнатилган тартибда таъминланиши юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари**



О. Насритдинходжаев

Uzbekistan Airways' АЖ
 Ёқон асосидорини
 2023 йил 3-кварталда
 1-сон қадорли билан
 ТАСДИҚЛАНГАН



Жамиат парво аппарати қозғаларини: сон: 2190 БР.
 Шу жумладан 231 БХ
 Умумий қозғалар сон: 4716 БР.

"Кетринг" МЧЖ (493 БР.)

"Uzbekistan Helicopters" МЧЖ (93 БР.)

"УКУВ-МАШК МАРКАЗИ" МЧЖ (101 БР.)

"УАТ" МЧЖ (1 830 БР.)

Тизим ташкилотларидаги ходимлар сон: 2 517 БР.